



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 12 июнь, № 113 (6043)

Пайшанба

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Қарши давлат университетиде Табиий бирикмалар ва полимерларни спектроскопик тадқиқ қилиш илмий тадқиқот лабораторияси иш бошлади.

Ноёб илмий тадқиқот лабораторияси ташкил этилди

Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси, Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё институтлари ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бу ерда экологик жиҳатдан безарар бўлган янги авлод полимер материалларини яратиш, корхоналар чиқиндиларини қайта ишлаш, ўсимликларни ҳимояловчи кимёвий воситалар кашф қилиш ҳамда органоминарalli ўғитлар ҳосил қилиш каби йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш учун барча шароит яратилган. Бундан ташқари, университет талабалари ўзларининг назарий билимларини шу ерда амалий жиҳатдан мустақамлаш имконига ҳам эга бўлишиди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар замонавий дастгоҳларни бошқармоқда

Хоразм вилояти марказидаги «Урганч тезкор матбаа» масъулияти чекланган жамиятининг зукко ва билимдон ёшлари хитойлик мутахассислардан қисқа муддатда замонавий полиграфия технологияларини бошқариш сир-синоатларини пухта ўзлаштириб олдилар.

Шу тарихда маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш лойиҳаси муваффақиятли якунланди.

— Матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган 10 дан ортиқ илғор дастгоҳлар харид қилгандик, — дейди корхона раҳбари Раҳим Жуманиёзов. — Яқинда улар сафига тайёр босма маҳсулотларни ламинация қилиш ва шакл бериш ускуналари ҳам

қўшилди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларга IP видеокузатув, компьютер ва алоқа тармоқларини ўрнатиб ҳамда лойиҳалаштириш хизмати йўлга қўйди. Ҳозир 20 кишилик жамоамиз томонидан ойига 100 миллион сўмликдан зиёд истеъмол товарлари ёрликлари, буклетлар, баннерлар сингари 20 турдаги полиграфия маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иммунитетни мустақамлайди

Навий шахридаги «Шифобахш Навой сўт» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган сўт маҳсулотлари алоҳида сифати билан ажралиб туради.

Ҳар шундаки, бу ерда қайта ишлаш жараёнида сўт С витамини билан бойитилади. С витаминининг инсон иммунитетини мустақамлаб, иштаҳани яхшилаши барчага маълум.

— Қунига бир тоннагача сутни қайта ишлаш имкониятига эгамиз, — дейди корхона раҳбари Нўмон Халимов. — Ҳозир тақдир этаётган етти турдаги маҳсулотимиз аҳолига манзур бўлмоқда. Келгусида маҳсулотларимизни болалар соғлигини мустақамловчи витамин ва минераллар билан янада бойитишни режалаштираямиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаол ва ташаббускор маслаҳатчилар сараланди

Бугун маҳаллаларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги ўрни ва иштироки тобора ортиб бормоқда. Айниқса, унинг ёшлари баркамол қилиб тарбияланган, оилаларни мустақамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Улар фаолиятини янада такомиллаштириш, тўпланган ижобий иш тажрибаларини оммалаштиришда, шубҳасиз, тизимда аънавий ўтказиб келинаётган турли танловлар, хусусан, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг ҳам катта улуши бор.

Яқинда танловнинг худудий босқичлари якунланди. Айни пайтда Наманган вилоятидаги фуқаролар йиғинларида 762 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб, уларнинг самарали фаолияти кўриқнинг куйи босқичларида муносиб тарзда баҳоланди. Вилоят босқичида 12 нафар

маслаҳатчи ўзаро баҳса киришди. — Маслаҳатчилар нафақат беллашдилар, айни чоғда оилалар тинчлиги, худуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий кадрларни тарғиботи, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятда маҳалла институти нуфузини ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқарувчи раисининг ўринбосари Ш. Кенжаев. — Яқинда Янгикўрғон туманидаги «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси З. Жўраева ғолиб бўлди. Кўриқнинг Навой шахрида бўлиб ўтган вилоят босқичида 10 нафар

маслаҳатчи фаолияти акс эттирилган кўргазмалар намойиш қилинди. Улар танлов шартидан келиб чиқиб, иш фаолиятларига доир тайёрланган альбом, буклет, плакат ва хўнармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари орқали ўз маҳалласи тарихи, худуднинг ўзига хос турмуш тарзи ва маданиятини очиби беришди. Сўнгра уларнинг иш фаолиятига оид хужжатлари ва бу борадаги кўрсаткичлари, шунингдек, соҳа қонунчилиги ҳақидаги билимлари ҳақамлар томонидан адолат мезонлари асосида баҳоланди. — Утган йили қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 15 га яқин низомлар фаолияти-

мизни янада кенгайтириш, ишимизни замон талаблари асосида йўлга қўйишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди кўрик-танловнинг Навой вилояти босқичи ғолиби, Навбахор туманидаги «Навар» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси С. Абдиева. — Бугун ушбу қонун хужжатлари маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, «мустақам оила», «обод турмуш» деган гоёларнинг жамият ҳаётидаги амалий ифодасини қарор топтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР, САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, айниқса, саноат тармоқларида жадал ривожланиш кузатилаётгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Бу Президентимиз ташаббуси билан саноат тармоқларини диверсификация қилиш жараёنларини чуқурлаштириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш борасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

ЯРМАРКА

Дарҳақиқат, саноатимиз салоҳияти йил сайин юксалаётгани боис унинг ялли ички маҳсулотни шакллантиришдаги улуши тобора кўпайиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида ЯИМ ўсишининг 20 фоиздан ортиги саноат ривожланиши ҳисобига таъминлангани, бу 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баравар кўпчилиги фикримизнинг яққол далилидир.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай юқори натижаларга эришишда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича

кўрилатган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнапти. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аънавий равишда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Негаки, мазкур ййрик саноат форумининг икки босқичда ўтказилиши иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада мустақамлаш, бозор инфратузилмасини такомиллаштириш имконини бераётди.

Кеча «Ўзэкспомарказ»да шу йили кузда бўлиб ўтадиган VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация



биржасининг дастлабки босқичи доирасида геология, ёқилги-энергетика ҳамда кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати мажмуаларининг тармоқ

саноат ярмаркаси иш бошлади. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, бу тадбир тармоқ ва тармоқлараро

кооперацияни мустақамлаш асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар тайёрлаш ва уларни

етказиб бериш кўламини кенгайтириш, энг муҳими, экспорт қилиш учун кулай имкониятлар яратмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоиз ўсди.



Мишель де Клерк:

«Ўзбекистон билан яқин ва узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатилишидан манфаатдоримиз»

Нидерландиянинг Утрехт шахрида «VIV Europe — 2014» паррандачилик ва сифатли гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш инновация технологиялари халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мазкур халқаро тадбир доирасида мамлакатимиз вакиллари дунёнинг қатор етакчи компаниялари тадбиркорлари ва экспертлари билан учрашувлар ўтказишлари баробарида, паррандачилик соҳасидаги инновация ускуналари ва технологиялари билан танишиш мақсадида Ни-

дерландия ва Бельгияда бир неча илғор корхоналарда ҳам бўлдилар. Хорижий компаниялар вакиллари Ўзбекистонда аграр жабҳанинг ривожланишига доир маълумотларга катта қизиқиш билан қарашди. Улар мамлакатимиз билан ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилишига тайёр

эканликларини билдиришди.

«Petersime» компанияси бош директори Мишель де Клерк «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбат чоғида ўз компанияси айни пайтда «S-Line» русумидаги инкубаторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганини айтди. Маълумки,

«Petersime» инкубаторлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компания ҳисобланади.

— «S-Line» русумидаги инкубаторларда сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги юқоридир, — деди у. — Бундан ташқари, улар электр энергияси сарфи, техник хизмат ва меҳнат ҳақи харажатларини қисқартириш имконини беради.

Компаниямиз Ўзбекистон билан яқин ва узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатилишидан манфаатдордир. Ва-

килларимиз бир неча мартаба мамлакатимизга бўлишган, шу боис юртимизда хорижий компанияларнинг сармоявий фаолияти учун яратилган кулай имкониятлар билан яқиндан танишмиз.

Шуниси ҳам қувонарлики, кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Тадбиркор хотин-қизлар фаолияти

банк тизими томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда

Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган ишлар самарали ташкил қилинаётир. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги саяё-ҳаракатларни янада кенгайтириш, банк ва тадбиркор аёллар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустақамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Зеро, мазкур хужжатда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, банк хизматларидан кенг фойдаланиш, хусусан, кредит оиди билан шизонети йўлга қўйишлари учун етарли зароит яратиш бўйича белгиланган вазибалар ижроси изчил таъминланаёпти.

Пойтахтимизда Республика Марказий банки томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Тадбиркор аёл» Ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда тегишли вазирилк ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган «Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш — банк эътиборида» мавзусида анжуманда шулар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда)

Санъат сеҳри



Юртимизда халқ амалий санъатининг унутилаётган турлари қайта тикланиб, ҳунар эгалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Уларнинг эмин-эркин ишлашлари, ўз иқтидорларини рўйбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилаяпти.

МЕРОС

ларда бўлди. Бу билан қаноатланмай Франция, Германия сингари Европа давлатларига борди. Париждаги Миллий кутубхона, Лувр музейи ва бошқа шу каби бир қатор масканларда сақланаётган Шарқ миниатюра санъатига дахлдор асарлар билан танишди.

мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Тошкентда санъат иқлосмандлари эътиборига ҳавола қилган ижодий ишлари Ўзбекистон Бадий академияси томонидан "Йилнинг энг яхши кўргазмиси" деб топилгани ҳам диққатга сазовордир.

— Халқ амалий санъатига болалигимдан меҳр қўйганман, — дейди Бухоро туманидаги Туркун қишлоғида туғилиб ўсган қаҳрамонимиз. — Мактабда таникли ҳайкалтарош Зойир Ҳамроевдан сабоқ олдим.

санъатига дахлдор асарлар билан танишди. Камолитдин Бехзод, Мухаммад Муҳаббиддин буюқ миниатюрчи мусавирлар ижодини синчиқлаб ўрганди. Соҳа мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

Қаҳрамонимиз Давронжоннинг оиласига келсак, бу хондонда ҳунармандлар сулоласи вужудга келди, дейиш мумкин. Негаки, уй бекаси Дилбар Панжиёва ҳам хунар этагидан тугган.

даги суратлар минг йилгача оҳорини йўқотмайди. Чет элликлар ижодимизни томоша қилиб жуда таъсирланишади. Бой миллий маънавий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаб кел-

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Фаргона шахрида эркеклар ўртасида "Fergana Challenger" ҳамда хотин-қизлар ўртасида "Fergana women's" аънаввий халқаро турнири бошланди.

Теннисчилар баҳси

Унда Ўзбекистон, Хитой, Хиндистон, Австралия, Исроил, Беларусь, Молдова каби йигирмадан зиёд давлат вакиллари яққалик ва жуфтлик баҳсларида ғолиблик учун куч синаяшмоқда. Ватанимиз шара-



Осиё чемпионатидаги муваффақият

Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шахрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсимлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида икки нафар спортчимиз совриндор бўлди.

Хусусан, юнон-рум кураши баҳсларида иштирок этган Ислам Бахромоф (-50 кг.) рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди. Вазни 120 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида эса Далер Раҳматов учинчи ўринни эгаллади.

Эркин курашда Сирожишдин Ҳасанов кумуш, Абдурасул Ваҳобов бронза медалини қўлга киритди. Хотин-қизлар кураши бўйича Зуҳра Отамуродова иккинчи ўринни банд этди.

Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.

Навқирон мусиқачиларимиз истеъдоди халқаро танловларда ҳам намоён бўлмоқда

Қибрай туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бир йўла уч ўқувчиси Италияда ўтган халқаро танловда ғолиб бўлди.

севар ёшларнинг сеvimли масканига, айни чоғда Дўрмон қишлоғининг ҳам кўркига айланди. Ҳозир бу ерда 250 дан зиёд ўғил-қизларимиз миллий чолғу асбоблари, фортепьяно, рақс, аънаввий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби 14 йўналишда билим олмоқдалар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИРОФ

Джияо дель Колле шахрида фортепьяно бўйича аънаввий мусиқа фестивалида қўллаб-давлатлардан келган иқтидорли ёшлар орасидан Мафтуна Ёдгорова, Шоҳруҳ Бахтиёров ҳамда

Мадина Деҳқонова иккинчи ва учинчи ўринларини банд этдишди. Таккидлаш жоизки, давлат дастури асосида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган мазкур мусассаса нафақат санъат-

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Муаллиф олган сурат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги товар-моддий бойликларни сотиб олиш бўйича танлов (конкурс) эълон қилади:

- макарон маҳсулотлари Ўз ДСТ 992:2012, ГОСТ 875-92;
• мош ГОСТ 10251-85, ГОСТ 7758-75;
• перловка ёрмаси ГОСТ 5784-60;
• бугдой ёрмаси ГОСТ 276-60;
• арпа ёрмаси ГОСТ 5784-60;
• какао кукун ГОСТ 108-76;
• зангламайидан пўлатдан ишланган, ҳажми 12 ва 24 литрли йўл термослари;
• зангламайидан пўлатдан ишланган, 1 ва 2-таом учун миска ҳамда салат идишлар (салатница);
• зангламайидан пўлатдан ишланган 250 граммли кружжалар;
• зангламайидан пўлатдан ишланган, 3 хил зираворлар солиш учун тагликли мурчдон (туздон);
• пластмассадан ишланган нон идишлари (хлебницы);
• зарба қарши калкон тўплами (противударные щитки);
• пўлатдан ишланган каска остидан қийиладиган бош кийим (подшлемник);
• кийим учун шкаф;
• антифриз;

- юмшоқ мебель тўплами (диван ва 2 та кресло);
• бир тумбали стол;
• қаттиқ ёғочдан ишланган яримюмшоқ стуллар;
• синф доскаси;
• металлдан ишланган икки секцияли шкаф;
• президиум учун стол;
• президиум столи учун ёғочдан ишланган тирсаққўйгичли стуллар;
• минбар (трибуна);
• журнал столчаси;
• пистолетлар учун шкаф;
• армия қаравоти;
• ёритиш лампалари (чўгланма лампалар, энергия тежайдиган лампалар ва бошқа турлари);
• енгил ва юк ташувчи автотранспорт васиталари учун автосиналар: 8,5 R 17,5, 155 R 12с, 215/75 R17,5, 185/75 R 16, 165/65 R 13, 185/65 R 14, 225/65 R 18, 185/70 R 14, 205/65 R 15, 205/70 R 14, 215/75 R 16, 225/70 R 16, 245/45 R 18, 225/75 R 16, 225/70 R 16.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади:

Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Тижорат таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун. Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-83-00.

«ФАРОВОНПИК» ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ. 2014 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида. Тўққизпадиган ютуқлар тиражидида ўз омадингизни синаб кўринг. Агребанк лотереяси билан.

CNI INDUSTRIAL NEW HOLLAND CONSTRUCTION. B 90 B E 215 B. Махсулот сертификатланган. Tel: (+99871) 120-74-50, (+99890) 370-77-88. Fax (+99871) 120-73-55.

www.xs.uz Жиззах: Соғлом бола йилида вилоят марказида иш бошлаган "Наврўзбулок" истироҳат боғи болажонлар учун ажойиб тўхфа бўлди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФЛАНДИ. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — С. РАҲМОНОВ. НАВБАТЧИ — Д. СОДИҚОВ. МУСАҲҲИХ — С. ИСЛОМОВ. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5